

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Shahrisabz vino-arog" AJ

Объявление

"SHAHRISABZ VINO-AROQ" AKSIYADORLIK JAMIYATI

КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИНИ ЁЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ

“Шаҳрисабз вино ароқ” АЖ Корпоратив маслаҳатчини ёллаш учун танлов эълон қилади.

КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

- а) олий юридик ёки иқтисодий маълумот мавжуд бўлиши, шу жумладан ҳорижий давлат олий таълим муассасаларида олинган ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий маълумотга эквивалентлиги тан олинган олий юридик ёки иқтисодий маълумот, шунингдек корпоратив бошқарув ёки қимматли қоғозлар бозори соҳасида ёки бу соҳада таълим бериш бўйича охириги 10 йил ичида 2 йиллик амалийиш стажи мавжуд бўлиши;
- б) олий иқтисодий бўлмаган маълумот мавжуд бўлиши, шу жумладан ҳорижий давлат олий таълим муассасаларида олинган ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий маълумотга эквивалентлиги тан олинган олий иқтисодий бўлмаган маълумот, шунингдек акциядорлик жамиятида корпоратив маслаҳатчи, корпоратив муносабатларни қўллаб-қувватлаш ваколатига эга акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси ходими, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, фонд биржаси ёки Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар бўйича мутахассис сифатида охириги 10 йил ичида 5 (беш) йилдан кам бўлмаган иш стажи мавжуд бўлиши;
- в) ўқув марказларида махсус тайёрлов курсларини ўтиш;
- г) Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан бериладиган қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномаси мавжудлиги;
- д) Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан бериладиган корпоратив бошқарувчи малака гувоҳномаси мавжудлиги;
1. Манфаатлар қарама-қаршилиги ва Корпоратив маслаҳатчи томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликни олдини олиш мақсадида қуйидаги шахслар Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси бўла олмайдилар:
- а) Жамиятнинг аффилланган шахслари;
- б) Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг яқин қариндошлари.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатларни 2023 йил 26 Июль соат 16-00 дан кечиктирмай қуйидаги манзилда жойлашган “Шаҳрисабз вино ароқ” АЖнинг кузатув кенгашига тақдим этиш шарт.

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йули кўчаси, 170-уй.

Индекс: 181310. **Мурожаат учун телефон:** (75) 521 16 25

12.07.2023

12.07.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16037/>

Дата: 09.05.2026